Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 654
«20» 07 2019 йил

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети;
- Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик республика ташхис маркази

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

### 4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳамда таянч олий таълим муассасасига тегишлидир.

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи ..........** | **4** |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси .......... | 4 |
| 1.2. | *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.......... | 4 |
| **2.** | ***5210203– Психология (амалий психология)*таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар ..........** | **6** |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .......... | 6 |
| 2.2. | *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .......... | 7 |
| **3.** | ***5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ..........** | **9** |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .......... | 10 |
| 3.2. | *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.......... | 12 |

# 1. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

*5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

*5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши –

социология ва психология соҳасидаги йўналиш бўлиб, мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат ва нодавлат муассасаларида; оммавий ахборот воситалари, давлат ва маҳаллий бошқаруви органлари, ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотларида; хусусий психологик хизмат кўрсатиш марказларида психологик ёрдам кўрсатиш; Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази психодиагностик тадбирлар уюштириш; ўзини ўзи бошқариш органлари, Республика "Оила" илмий-амалий марказида; реабилитация марказларида, спорт жамоаларида психологик хизмат кўрсатиш; Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳарбий бўлимларда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ комплекс масалаларни ечишни қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

корхона, ташкилот ва муассасаларда психологик ёрда кўрсатиш; таълим муҳитида психологик тадбирларни ташкил этиш ва уни амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари ҳамда ходимлари, реабилитация ва психологик хизмат марказлари клиентлари; республика ташхис маркази тестлари ва уларни ўтказишни ташкил этиш жараёнлари, психологик тадқиқот методикалари; спорт жамоаси тренери ва спортчилари; психологик хизмат кўрсатиш мижозлари; шахсий муаммолари билан мурожаат қиладиган пациентлар; экспериментал психология лабораторияси жиҳозларини ташкиллаштириш ва қўллаш; савдо ва маиший хизмат кўрсатишдаги психологик муаммоларни ҳал этиш; маҳаллалар ва фуқаролар; аҳолига психологик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини ташкил этиш; ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларда психологик ёрдам кўрсатиш; кадрларни танлаш ва улар фаолиятини психологик ташкил этиш; психодиагностик, психологик маслаҳат, психокоррекцион, психопрофлактик, психологик маърифат тадбирлари ва психология ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

***5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– *ташкилот, корхоналар ва муассасаларда психологик хизматни ташкил этиш;*

– *индивидуал тарзда инсонларга психологик маслаҳат ва психокоррекцион ёрдам кўрсатиш;*

– *ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатаётган маҳаллаларда психологик маърифат ишларини олиб бориш;*

– *инсон камолоти учун психологик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш;*

– *инсоннинг имкониятларини баҳолаш ва унинг ривожлантиришнинг психологик усулларини аниқлаш;*

– *касбий саралаш, касбга йўналтириш бўйича психологик воситалардан фойдаланиш;*

– *таълим-тарбия жараёнида психологик таъсир кўрсатиш усулларини қўллаш ;*

– *давлат ва нодавлат ташкилотларида психологик маърифат тадбирларини ўтказиш;*

– *спорт жамоларида психологик жипслик ва муҳитни таъминлашга, спортчиларнинг мусобақа олди ва мусобақадан кейинги руҳий зўриқишларини психологик ёрдам кўрсатиш;*

– *гуруҳ ва жамоадаги психологик муҳитни яхшилаш бўйича психологик ва социал-психологик тренингларни ташкил этиш;*

– *инсонни ўрганишнинг психологик ўлчов воситаларини шакллантириш ва уларни татбиқ этиш;*

– *инсон камолотига хизмат қилувчи психологик ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;*

– *маҳаллаларда психологик хизматни ташкил этиш;*

– *аҳолига пуллик психологик хизмат кўрсатишни ташкил этиш;*

– *фавқулодда вазиятларда аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш.*

**1.2.3. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *илмий-тадқиқот;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *маънавий-маърифий;*
- *лойиҳавий;*
- *педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);*
- *турли хизматлар кўрсатиш.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик цикл фанлари ўқитилган ва ўқув амалиёти ўталган ҳамда касбий таълим йўналишларига турдош фанлардан дарс бериш имкониятига эга бўладилар.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5210201-Психология (умумий психология);*

*5210201-Психология (ижтимоий психология);*

*5210201-Психология (оилавий муносабатлар психологияси);*

*5210201-Психология (касбга йўналтирув психологияси);*

*5210201-Психология (дин психологияси)* магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *5210203– Психология (амалий психология)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар, табиий ва илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2.** ***5210203– Психология (амалий психология)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида**

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда психологик мавзуларга оид тадқиқотларда иширок этиши;

интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

психологияга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет-эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

касбий фаолият объекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар, ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

илмий ҳисоботлар ва тушунтириш хатларини ишлаб чиқиш;

ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, реферат ва библиографияларни тузиш;

илмий семинарлар, илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиш;

илмий-амалий журналларга мақолалар тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш; соҳа адабиётлари экспертизасини амалга ошириш;

психология фани соҳасига доир илмий-тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий тажрибаларни уйғунлаштириш;

маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида**

ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва

татбиқ қилиш;

ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

психологик тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

ишлаб чиқариш жараёнларида психологик фаолиятини бошқариш;

фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

**Маънавий-маърифий фаолиятида**

ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг таклиф ва талаблари асосида психологик маърифат тадбирларини ташкил этиш;

маҳаллий матбуот, илмий-оммабоп телерадио эшиттириш ва кўрсатувларда психологик материаллар билан иштирок этиш ***қобилиятларига эгабўлиши лозим.***

**Лойиҳавий фаолиятда:**

жорий ва даврий кўрсаткичлар нисбати таҳлили ва зарур ресурсларни ҳисобга олган ҳолда уни оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, лойиҳавий фаолиятнинг мониторинги учун маълумотлар базаси яратиш;

тадқиқот, аналитик ва консалтинг лойиҳа фаолиятини амалга ошириш учун методик инструментарийлар, меъёрий ҳужжатлар, информацион маълумотлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

психологик кўрсаткичлар, жараён ва муносабатларни диагностика қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш;

фан соҳасидаги хорижий лойиҳаларда иштирок этиш;

психология йўналишлари бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, тадқиқот натижаларини тарқатишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш;

замонавий информацион ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш ва тузиш;

ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш;

мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

таълим соҳасида хорижий таълим тажрибаларини жорий этиши лозим;

таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш;

таълим муассасасидаги муаммонинг ечишда психологик усуллардан фойдаланиш;

ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчилар гуруҳларида психодиагностик, психопрофлактик, психокоррекциялаш ва психологик маърифат йўналишида тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ўқитувчи ва ўқувчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантириш бўйича маслаҳатлар бериш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

педагогик жамоадаги зиддиятлар, низоларни бартараф этиш ва ҳамкорлик муҳитини шакллантириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Турли хизматлар кўрсатиш фаолиятида:**

пуллик психологик хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

фуқаролар ичидан индивидуал психологик ёрдамга мухтож кишиларга пуллик хизмат кўрсатишни қобилиятига;

шахснинг индивидуал фаолияти, оилавий ва шахслараро муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни психологик ҳал этиш кўникма ва маликаларига;

болаларнинг шахсий камолоти билан боғлиқ муаммолар юзасидан психологик маслаҳатлар бериш қобилиятига;

психологик ва социал-психологик тренинг курслари ишлаб чиқиш ва психологик ёрдамга мухтож инсонлар муаммоларини ечиш қобилиятига;

бола, катта ёшдагилар ва ақлий тараққиёт ҳолатини аниқлашга зарурат сезган шахсларга психодиагностик ва психологик маслаҳат ёрдам кўрсатиш;

фуқароларнинг шахсий муаммоларини психологик жиҳатдан ечишга кўмаклашиш;

муассаса, ташкилотларда ва корхоналарда психологик хизматни ташкил этиш ва уни амалга ошириш;

психологик хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

йўналишига мос мавзулардаги лойиҳалар, манбалар, адабиётлар, электрон видео ва аудио махсулотларни экспертиза қилиш;

ихтисосликка мос соҳалар бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш қобилиятига эга бўлиш;

муассаса ва ташкилотларда психологик тадқиқотларини ўтказиш;

муассаса ва фаолиятини психологик таҳлил қилиш;

турли психологик хизмат соҳаларида хорижий тажрибаларини жорий қилиш;

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг психологик стратегияларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***.

## 3. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5210203– Психология (амалий психология)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий - илмий фанлар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар бўйича қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математик моделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг ветеринария соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

ветеринария таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

**Умумкасбий фанлар блоки:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириш;

психолог фаолиятини ташкил этиш; психолог сифатида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган таълим муассасаси, корхона ва ташкилот психологик хизматни ташкил этиш; психолог фаолият учун зарур психологик билиш жараёнлари, психологик хусусиятлар, ҳолатлар, шахс назариялари, шахснинг эмоционал-иродавий соҳаси, шахсни ички тартибга солиш механизмлари, психодиагнотика методикаларини саралаш, татбиқ қилиш ва натижаларни таҳлил қилиш; психология фанини ўқитиш усул ва услубларини билиши ва қўллай олиш; социал-психологик тренингни ташкил қилиш ва ўтказиш, индивидуал ва гуруҳий маслаҳатларни ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Ихтисослик фанлар блоки:**

психология таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

психология таълим йўналишидаги бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

психология таълим йўналишидаги талабанинг муайян магистратура мутахасислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

**Қўшимча фанлар блоки**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

аҳолига психологик хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

***Танлов фанлари:***

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ҳамда аудитория соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади*

***Курс иши***

*Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.*

**Малака амалиётига қўйиладиган талаблар**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув ва ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – танишув, ишлаб чиқариш, бпедагогик ва битирув олди амалиётларидан ташкил этилди.

*Ўқув-танишув амалиёти.* Бакалаврлар касбий тайёргарлиги босқичлардан бири бўлиб, у биринчи босқич талабалари “Мутахассисликка кириш” курси бўйича машғулотни тамомлагандан кейин танишув амалиётни ўтайдилар. Танишув амалиётида талабалар умумтаълимм мактаблари, ўқувчиларни касб-ҳунар йўналтириш педагогик-психологик ташхис маркази бўлими, психологик хизмат марказаларида фаолият кўрсатаётган психологларнинг иш ўрни, иш фаолияти учун зарур меъёрий ҳужжатлар ва касбий фаолият йўналишлари билан танишадидар. Танишув амалиёти якунида ҳисобот тайёрлайдилар.

*Ўқув-малака амалиёти.* Ушбу малака амалиёти таълим йўналишида талабаларнинг касбий тайёргарлик жараёнида ўқитилаётган умумкасбий ва ихтисолик фанлар бўйича маълум билим, кўникма ва малакаларга эга бўлганликларини инобатга олиб ташкил этилади. Малака амалиёти вақтида талабалар фанлар бўйича эгаллаган назарий билимлари ҳамда кўникмаларини амалиётда қўллашлари талаб этилади. Шунингдек, малака амалиётида талабалар умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги таълим муассасалари, турли хил ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг турли хил психологик муаммолари доирасида психокоррекцион ва психологик тренингларни ташкил этиш; индивидуал психологик консультацияни ташкил этиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган амалий психологик тадбирларда иштирок этадилар. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Баҳолаш шакли ўқув дастурида белгиланади.

*Педагогик амалиётни* ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг ўқиётганлар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва қабул қилувчи ташкилот вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот беришади. Амалиёт натижасини баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

ЎМКҲТ муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитишнинг илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида олиб бориш усуллари тўғрисида; педагогик амалиёт ўтиладиган муассасаларда мавжуд бўлган услубий кўрсатмалар, намунавий дастурлар, тарбиявий иш режалари, йўриқномалар ва ҳ.к. ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил этиш борасида; малакавий амалиёт жойида ижтимоий-

сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича зарурий ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

Таълим муассасаларининг ўқув-услубий бошқарма (бўлим)ларидаги аниқ бажарадиган иш фаолияти билан таниша олиши тўғрисида; битирув малакавий иши, битирув олди педагогик амалиёти ҳисоботи учун керакли бўлган маълумотларни амалиёт жойидан ола билиши борасидаги; кундалик дафтар юритиш, унда ҳар куни бажарилган иш мазмунини ёзиб бориш ва кун охирида амалиёт раҳбарига уни тақдим этиш ҳамда тасдиқлатиш хусусида; топшириқларни бажарганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботини кафедра профессор-ўқитувчиларидан тузилган комиссия олдида ҳимоя қила олиши ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

*Битирув иши олди амалиётида* битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; турли корхона ва ташкилотларда психологик фаолиятини ташкил этиш, тадқиқотларини ўтказиш, ходимларнинг хулқ-атворини ўрганиш; психологик усуллари ёрдамида муаммоларни ечиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш; ишлаб чиқариш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.*

***Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар-***талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади. Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

**3.2. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланди:

- назарий ва амалий таълим - 55,4%;
- аттестация - 10,78 %;
- таътил - 18 %;
- малакавий ва педагогик амалиёти - 13 %;
- Якуниц давлат аттестацияси - 3%.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланди:

- Гуманитар ва табиий - илмий фанлар блоки - 23,36 %
- Умумкасбий фанлар блоки - 51,14 %
- Ихтисослик фанлар блоки - 18,89 %
- Қўшимча фанлар блоки - 6,47 %

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб бориш бўйича зарурий ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

Таълим муассасаларининг ўқув-услубий бошқарма (бўлим)ларидаги аниқ бажарадиган иш фаолияти билан таниша олиши тўғрисида; битирув малакавий иши, битирув олди педагогик амалиёти ҳисоботи учун керакли бўлган маълумотларни амалиёт жойидан ола билиши борасидаги; кундалик дафтар юритиш, унда ҳар куни бажарилган иш мазмунини ёзиб бориш ва кун охирида амалиёт раҳбарига уни тақдим этиш ҳамда тасдиқлатиш хусусида; топшириқларни бажарганлиги ҳақидаги ёзма ҳисоботини кафедра профессор-ўқитувчиларидан тузилган комиссия олдида ҳимоя қила олиши ***кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.***

*Битирув иши олди амалиётида* битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш; турли корхона ва ташкилотларда психологик фаолиятини ташкил этиш, тадқиқотларини ўтказиш, ходимларнинг хулқ-атворини ўрганиш; психологик усуллари ёрдамида муаммоларни ечиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш; ишлаб чиқариш *кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.*

***Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар***-талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади. Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

**3.2. *5210203– Психология (амалий психология)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланди:

- назарий ва амалий таълим - 55%;
- аттестация - 11 %;
- таътил - 18 %;
- малакавий ва педагогик амалиёти - 13 %;
- Якуниц давлат аттестацияси - 3%.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланди:

- Гуманитар ва табиий - илмий фанлар блоки - 23 %
- Умумкасбий фанлар блоки - 52 %
- Ихтисослик фанлар блоки - 19 %
- Қўшимча фанлар блоки - 6 %

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

психика, эволюция, эксперимент, кузатиш, тест, онг, шахс, психоанализ, гештальт психология, когнитив психология, ички регуляция, мотив, мотивация, қадриятлар, установка, қизиқишлар, эмоция, ҳиссиёт, ирода, иродавий актлар, сезги, сезги чегараси, сезги қонуниятлари, сезги хусусиятлари, идрок, идрок хусусиятлари, хотира, тафаккур, тафаккур жараёнлари, психодиагностика, метод ва методика, тест, интеллект тести, ақлий тараққиёт, шахслараро муносабат, тренинг, социал-психологик тренинг, диний эътиқодлар, шахс ҳулқ-атвори, ижтимоий муносабатлар, психосоматика; соматопсихик, психосоматик; практикум, семинар, лаборатория, психологик хизмат, таълим муассасаларида психологик хизмат; психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлар методлари ва технологиялари, ҳуқуқ тартибот идораларида ва ҳарбий соҳада психологик хизмат, тиббий муассаларда психологик хизмат, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат

Илова

*5210203– Психология (амалий психология)* **йўналиши бўйича**

**таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юк-ламанинг ҳажми, соат-ларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1426** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 272 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Олий математика | 136 |
| 1.09 | Психологлар учун информатика | 136 |
| 1.10 | Олий нерв фаолияти ва марказий нерв системаси физиологияси | 68 |
| 1.11 | Социология | 120 |
| 1.12 | Ёш физиологияси ва гигиена | 68 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **3122** |
| 2.01 | Мутахассисликка кириш | 68 |
| 2.02 | Умумий психология | 938 |
| 2.03 | Экспериментал психология ва практикум | 648 |
| 2.04 | Умумий психодиагностика | 204 |
| 2.05 | Социал психология | 432 |
| 2.06 | Индивидуал ва гуруҳий консультация | 324 |
| 2.07 | Педагогик психология ва психологияни ўқитиш методикаси | 120 |
| 2.08 | Меҳнат ва муҳандислик психологияси | 64 |
| 2.09 | Умумий педагогика | 136 |
| 2.10 | *Танлов фанлари* | 188 |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1159** |
| 3.01 | Таълим муассасаларда психологик хизмат | 180 |
| 3.02 | Психологик тадқиқот маълумотларини қайта ишлар методлари ва технологиялари | 256 |
| 3.03 | Ҳуқуқ тартибот идораларида ва ҳарбий соҳада психологик хизмат | 64 |
| 3.04 | Тиббий муассаларда психологик хизмат | 64 |
| 3.05 | Бошқарув ва ижтимоий соҳаларда психологик хизмат | 64 |
| 3.06 | Юридик психология | 84 |
| 3.07 | *Танлов фанлари* | 447 |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| | **Жами** | **6102** |
| | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1458** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестациялар** | **1188** |
| | **Жами** | **2970** |
| | **ҲАММАСИ** | **9072** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

**Ректор_____________А.Марахимов**

**201_ йил «_____» ______________**

**М.Ў.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази**

**Директор Л.Гайнутдинова**

**201_ йил «_____» __________**

**М.Ў.**

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази**

**Директор_____________ З.Ҳакимов**

**201_ йил «_____» __________**

**М.Ў.**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

**Ректор _____________Ш.Ёвқочев**

**201_ йил «_____» ______________**

**М.Ў.**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор ______________ Ш.Шарипов**

**201_ йил «_____» ______________**

**М.Ў.**

**Ўзбекистон Миллий университети 5210203– Психология (амалий психология), 5210204– Психология (оила психологияси), 5210205– Психология (ёшлар психологияси) таълим йўналишлари, 5А210201 – Психология (фаолият турлари бўйича), 5А210201 – Психология (ижтимоий психология), 5А210201 – Психология (оилавий муносабатлар психологияси) магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| **Раис:** | | | |
| 1. | Ҳ.П.Тўхтаев | ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети декани | |
| **Ишчи гуруҳ аъзолари:** | | | |
| 2. | Д.Мухамедова | “Психология” кафедраси мудири, психология фанлари доктори | |
| 3. | А.Расулов | “Психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди | |
| 4. | Ў.Шамсиев | “Психология” кафедраси доценти, психология фанлари номзоди | |
| 5. | Ф.Чориев | “Психология” кафедраси катта ўқитувчиси | |

**Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор _______________ Д.Джумабаев**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассиликларининг МТ ва ўқув режаларини ишлаб чиқарувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида келишув**

## ДАЛОЛАТНОМАСИ

**Тошкент шаҳри**
**“____”__________201__**

Биз қуйида имзо қўювчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимов, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори проф. Ш.Ёвқочев, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Ташмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори Л.Гайнутдинова, Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шариповлар ЎзМУ да ишлаб чиқилган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатор”га мувофиқ қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаби мазмуни ва ўқув режаси билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

Бакалавриант таълим йўналишлари

1. 5210203- Психология (амалий психология);
2. 5210204- Психология (оила психологияси);
3. 5210205- Психология (ёшлар психологияси)

Магистратура мутахассисликлари

1. 5A210201-Психология (фаолият турлари бўйича);
2. 5A210201- Психология (ижтимоий психология);
3. 5A210201-Психология (шахслараро муносабат психологияси).

Юқоридаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича МТ ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талабларининг ишлаб чиқилишида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 2/3-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”да белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлашга тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистон Миллий университети ректори** **А.Марахимов**

**Тошкент халқаро ислом академияси ректори** **Ш.Ёвқочев**

**Тошкент давлат педагогика университети ректори** **Ш.Шарипов**

**Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси** **Қ.Қуронбоев**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази директори** **Д.Ташмухамедова**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази директори** **Л.Гайнутдинова**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаш**

## Математка ва табиий фанлар ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг __-сонли БАЁННОМАСИ

**"_____" ______2019 йил** **Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар: Бирлашма раиси – Д.Джумабаев**
**Бирлашма котиби: - Ю.Собирхонова**
**Бирлашма аъзолари-таклиф этилган ва турдош ОТМ вакиллари.**

## К У Н  Т А Р Т И Б И :

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таянч ОТМ этиб белгиланган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ташкил этилган ишчи гурухлари томонидан ишлаб чиқилган такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси муовини Д.Джумабаев**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети таянч олий таълим муассасаси сифатида янги йўналишлар ва мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Шу боис бугунги йиғилишда кадрлар буюртмачилари ва турдош ОТМлар мутахассислари томонидан белгиланган таклифлар инобатга олинган холда малака талаблари ва ўқув режаларга ишлаб чиқилган шаклларини муҳокамаси устида тўхтасак.

Бугунги кунга келиб ЎзМУ таянч ОТМ этиб белгиланган барча таълим йўналишлари ва улар негизидаги магистратура мутахассисликлари учун олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори"га мувофиқ таёр эканлиги тўғрисида маълумот берилди.

Д.Джумабаев тақдим этилган маълумотлар хақида ўз фикрларизни бирдиришингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:** ЎзМУ ЎУБ бошлиғи Ғ.Эшонқулов, проф. Д.Мухамедова (ЎзМУ кафедра мудири), доцент Д.Н.Арзиқулов (ЎзДЖваСУ, кафедра мудири), проф. М.Мирқосимова (ЎзХИА кафедра мудири), , доцент Н.Халилова (ТДПУ кафедра мудири)лар сўзга чиқиб ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режалари хақида ижобий фикрлар билдириб, уларни тасдиқлаш учун тавсия бердилар.

Д.Джумабаев: Хулоса қилиб айтганда ЎзМУ таянч ОТМ этиб белгиланган таълим йўналишлари ва улар негизидаги магистратура мутахассисликлари учун илк бора ишлаб чиқилган

малака талаблари ва ўқув режалар олий таълим талаблари ва таёрланаётган кадрлар билимига қўйилаётган талабга тўла жавоб беради ҳамда уларни тасдиқлашга тавсия этиш мумкун деб хулоса қилиш мумкин.

Юқоридагилар келиб чиққан холда қуйдаги такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ўқув услубий бирлашма томонидан тасдиқлаш учун тавсия розилик беришингизни сўрайман.

| *Таълим йўналишлари:* | *Магистратура мутахассислиги:* |
|---|---|
| 5210203- Психология (амалий психология);<br>5210204- Психология (оила психологияси);<br>5210205- Психология (ёшлар психологияси) | 5А210201- Психология (фаолият турлари бўйича);<br>5А210201- Психология (ижтимоий психология);<br>5А210201-Психология (оилавий муносабатлар психологияси) |

**ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда Ўзбекистон миллий университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон миллий университетида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”даги 210000-Социология ва психология таълим соҳасининг 3 та бакалавриат таълим йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358- сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Таълим соҳасининг бакалавриатура таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, Фанлар академиясининг тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (Асосий кадрлар истеъмолчиларининг малака талаблари, “Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” ҳамда мутахассислар “Тақризлари” билан расмийлаштирилган ва Малака талабларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **Д.Джумабаев**

**Бирлашма котиби** **Ю.Собирхонова**

**Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5210203-Психология (амалий психология) таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасига**

## ТАҚРИЗ

Психолог мутахассисларга бўлган эхтиёж уларнинг тайёрлаш жараёни зарурий чора-тадбирлар, таълим жараёнини тўғри ташкил этиш, зарур меъёрий ҳужжатларнинг даврга мос ҳамда мутахассислар тайёрлаш жараёнининг амалий аҳамиятига нисбатан ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 майдаги "Ўзбекистон Миллий университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2527 –сон Қарор ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июнда қабул қилган "Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 472-сон Қарорида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетида тайёрланган, янги таълим йўналиши-5210203-Психология (амалий психология)бакалавриат таълим йўналиши ва янги мутахассислик - 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабларининг мазкур лойиҳаси амалда қўлланилган шаклларидан фарқ қилиши билан ажралиб турибди. Мазкур бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш малака талабларининг тузилиши ва унинг мазмунини белгиловчи бандларнинг ҳар бирида Ижтимоий ишчи мутахассислар тайёрлашнинг зарурий мазмуни ва унинг амалий жиҳатларида ўз аксини топганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг малака талабларини тузилиши ва мазмуни малака талабларини ишлаб чиқиш асослари, қўлланиш соҳаси, атамалар, таърифлар, қисқартмалар, мутахассисликнинг тавсифи, бакалаврлар ва магистрларнинг тайёгарлик даражасига қўйиладиган талаблар, малака талабларининг амал қилиш муддати бандлари асосида ёритиб ўтилган.

5210203-Психология (амалий психология) бакалавриат таълим йўналиши ва 5А210201-Психология (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабларининг ҳар бир банди бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш жараёни ва унинг келажакда касбий фаолиятни олиб боришини таъминлашга йўналтирилган фаолият соҳалари, фаолият объектлари, тайёрлаш жараёнининг вақт меъёрлари, таълим жараёни билан мутахассис сифатида фаолият олиб бориш учун зарур билим, кўникма ва малака талабларининг аниқ мезонларини келтирилиши билан тавсифланади.

Мазкур йўналиш ва мутахассисликнинг ўқув режаларидаги ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турлари ҳамда уларнинг вақт меъёрлари аниқ ва изчилликда жойлаштирилган. Ўқув режаларидаги ўқув фанлари ва

илмий фаолият турлари малака талабларининг мазмунида акс этган ҳолати билан мос шакллантирилган.

